

Ўттиз ёшлардаги оқиш-кулранг сочли ёкимтойгина аёл охиста одимлаганча менинг столимга якинлашди. Унинг бўйи баланд эмас, бир ярим метрча келар, аммо кийими одатда кичик шаҳарчада яшовчи аёллар киядиган либослардан анчагина яхшироқ бўлиб, диди баландлиги дарров сезиларди. Бу овлок жойларга биронта каттарок шаҳардан келгандир, балки башанг кийиниш қобилияти тугмадир...

– Ўтирсам майлими? – сўради у менинг ёнгинамда тўхтаб. – Карши бўлмасангиз, сиз билан гаплашиб олсам дегандим.

Мен унинг чап кўлига нигоҳ ташладим ва бош иргадим. Аёллар билан учрашганда доимо уларнинг кўлига қарайман. Уларнинг кўллари юзларига нисбатан кўпроқ нарсани айтиб бериши мумкин. Илло, улар пластик жаррохлар ва пардоз воситалари ёрдамида юзларини мўъжизакор тарзда ўзгартиришади, аммо кўлларини алдаёлмайсиз, улар доимо рост сўзлайди.

Сухбатдошимнинг узун ва нозик бармоқлари мени кизиктириб қўйди. Биринчидан, уларга бир неча ўнлаб минг доллар турадиган олмос кўзли узук тақилганди, иккинчидан, сухбатимиз кизик бўлишини юрагим сезаётганди.

Нотаниш аёл ўтирди ва асабийлашган холда қадахни ўйнарган, сўзини кутилмаган тарзда бошлади:

– Мен одам ўлдиришингизни истардим.

– Манзилингиздан адашибсиз, хоним, – дедим мен бош чайкаб, унга бўлган кизикишим дархол сўнди. – Бу менинг касбим эмас.

– Пул ишлаш-чи, бу касбингизга қирадимми? – совуккина сўради у ва каттик тикилди.

– Бу борада нишонга беҳато урдингиз, – таъқидладим мен. – Мен пул ишлашни биламан ва буни яхши кўраман.

– Ундай бўлса, нима учун йигирма беш минг доллар ишлаб олишдан бош тортяпсиз? – мулозимлик билан кизиксинди аёл. Шу билан бирга, у мен томонга одоб қоидаси рухсат берадиганидан кўра анчагина яқинроқ энгашди.

Мен унга бир неча сония тикилдим, кейин кўзимни ликопчага қаратдим ва уни четга суриб қўйиб, тушунтира бошладим:

– Хоним, мен исталган нарсани хоҳлаган одамимга сотишим мумкин. Бундан ташқари, гапга чечанликда ҳам олдимга тушадигани йўқ. Агар биронтасига гапиравериб, зериктириб ўлдиришимни истасангиз, унда бош устига. Аммо ростакамига...

– Бу одамни гап билан зериктириб ўлдиришингиз кийин, – оғир хўрсинди нотаниш аёл.

– Кимни айтяпсиз?

– Эримни.

– Нега уни ўлдирмоқчи бўляпсиз? Шунчаки уни ташлаб кетиш осонроқ эмасми?

Нохушликлар ҳам камроқ бўлади, панжара ортига ҳам тушмайсиз. Кўчада машинам турибди, у жуда тез юради, бир неча соатдан сўнг бошка штатда бўлишимиз мумкин.

– Йўқ, – бош чайкади у, – қочиш билан иш битмайди. У жудаям бой одам, пулини қарга чўқимайди. Агар уни ташлаб кетсам, менга бир мири ҳам тегмайди. Агар ўлса, бутун бойлиги менга қолади.

– Сизга жудаям ачинапман, аммо билиб қўйинг: мен ифлос ишлар билан шугулланмайман..

– Йигирма беш минг доллар хақида унутмадингизми? – эслатди у.

– Мен ҳеч қачон ҳеч нарсани унутмайман, – жилмайдим мен. – Айтганча, нима учун

айнан менга мурожаат қияпсиз? Буни махаллий йигитларнинг биронтасидан илтимос қилганингиз осонрок эмасми?

– Йўқ, бу ерликлар бундай ишга қодир эмас. Менга айнан қелгинди одам керак. Бу ерда бир-икки кун бўлади, ишини битиради ва эртаси қуниёқ жуфтақни ростлайди. Ўша одамни мен қайтиб кўрмайман ва унинг ўзи ҳам бу гаёой топмас жойларга қайтиб қелмайди. Сиз бу ерда узок ушланиб қолмасиз ахир?

– Бундай ниятим йўқ, – бош иргадим мен. – Сиз қелганингизда мен овқатланиб бўлиб, йўлга тушишга отланаётган эдим.

– Хаммаси омадли бўлаётганини кўряпсизми?! Менга сизни Худонинг ўзи етказди! Бу ишни шу бугун қечқурун бажаришингиз ва дархол жўнаб қетишингиз мумкин. Сиздан ҳеч қим шубхаланмайди. Ахир сизни мен билан боғлаб турадиган ҳеч нарса йўқ – биз ҳозиргина учрашдик ва дархол ажрашдик... Бу шаҳардан чўнтагингизда йигирма беш минг доллар билан қетишингизни ҳам унутманг.

– Пул ёнингиздами? – эҳтиётқорлик билан қизиксиндим мен.

У атрофига аланглади, кейин қаттақон сумқасини очди ва унинг ичидагини менга кўрсатди. Сумқа сиқиб боғланган доллар тахламларидан шишиб қетганди. Мен хали шунча пулни қўлимга ушлаб кўрмагандим. Шу сабабли, қурақларим жимирлаб қетди. Сухбатимиз бошланганидан бери биринчи марта унинг тақлифи ҳақида жиддий ўйлай бошладим. Нима бўлганда ҳам, бу аёлнинг гапларида мантиқ бор эди. Ҳақиқатан ҳам ҳавф иложи борица қамайтирилган эди. Қелгинди одам қотилликни содир этади-ю, дархол жўнаб қолади. Уни ҳеч қим танймайди, табиийки, барча шубха махаллий йигитларнинг бўйнига тушади.

– Агар ресторандагилардан биронтаси бизни эслаб қолса-чи? – сўрадим мен барча иқир-қиқирларни ҳам эътиборга олишга уриниб.

– Кўркманг, – далда берди у. – Мен бу ерга қамдан-қам қираман. Ресторандагиларнинг биронтаси мени танймайди.

– Шундай бўлса ҳам бу ердан қетганимиз маъқул. Мен ҳеч нарса ваъда қилолмайман, аммо гаплашиб олишимиз мумкин. Гаплашганингиз учун қамоққа тикишмайди.

Аёл тезгина турди ва ресторандан қикиб қетди. Мен ликопчага қарадим, аммо овқатимнинг қолганини егим қелмади – негадир иштахам бўғилганди. Бир-икки дақиқадан кейин мен ҳам ресторани тарқ этдим. Мен аёлга ресторандан учта мавзе наридаги қилват қўчада етиб олдим. У менинг машинага ўтирди ва биз йўлда давом этдик. Мен кўзимни йўлдан узмасдим. Унга қарагим қелмас, йигирма беш минг доллар учун бир одамни ўлдиришим мумкинлигига сира кўзим етмасди.

Унинг кўрсатмасига биноан шаҳардан ташқарига қикдим.

– Қалай, бир қарога қелдингизми? – сўради у қичиккина тепалиқ устида тўхтаганимизда.

– Ўзингиз айтинг-чи, аслида нимани истаяпсиз? – эҳтиётқорликни унутмай, саволига савол билан жавоб қайтардим мен.

– Бу жудаям осон, – елка қисди нотаниш аёл. – У уйга соат ўн бирдан аввал қайтмайди. Сиз меҳмонхонада қутасиз. У қирганида ўқ узасиз, ўлганлигига ишонч ҳосил қиласиз, ўғирлик юз бергандек қилиб кўрсатиш учун дераза ойнасини синдирасиз ва дархол жўнаб қоласиз. Мен ётоқхонада бўламан. Сиз қетганингиздан сўнг ўн дақиқа ўтгач, мен полицияга қўнғирок қиламан ва уйимизга ўғри қириб, эримни отиб қетганини айтаман.

– Ўн дақиқа етади, деб ўйлайсизми? – шубхаландим мен.

– Агар дарров шаҳардан қикиб қетсангиз, албатта етади, – ишонч билан бош иргадим

аёл. – Ахир кетмокчи эканлигингизни айтдингиз-ку?

– Пуллар-чи? Уларни қачон оламан?

– Хозир сизга беш минг бераман, – аёл тиззасидаги сумкани кўрсатди. – Колган йигирма мингини ишни бажаргач оласиз. Сумка менинг ёнимда, ётоқхонада бўлади.

– Ўзингиз кейин нима килмокчисиз? – сўрадим мен пулларни тезгина чўнтагимга соларканман.

– Шовкин-тўполон тингунича бироз кутаман, – жилмайди аёл. – Пулларни дархол ололмайман, бироз кутишимга тўғри келади. Кейин бу ердан жўнаб кетаман... Сиз уни ўлдирасизми? – сўради у узок жимликдан сўнг.

– Ха, – жавоб бердим мен ҳам ундан қолишмайдиган узок жимликдан сўнг. – Қуролни қаердан олсам экан? Менда ҳеч нарса йўқ.

У ўзининг тубсиздек кўринувчи сумкасидан 32-калибрли тўппонча олди ва уни шарфи билан яхшилаб артиб, менга узатди.

– Уни манави тўппонча билан отинг, кейин шаҳар ташқарисида ташлаб юборарсиз... Соат ўн бир яримларда уйга яқинлашинг. Эшик очик бўлади. Мехмонхонага кириб, кутиб турасиз...

Мен соат 22.25 да унинг уйи ёнида тўхтадим ва чека бошладим. Гугурт чакиб, сигарета яқинлаштирарканман, кўлларим титраётганини кўриб, мамнун бўлдим. Бу иш осондек, мушкулликлар бўлиши мумкин эмасдек туйиларди. Роппа-роса соат ўн бир яримда зинапоя ёнига келдим. Аёл ваъда қилганидек эшик очик эди. Мен йўлақдан аста ўтиб, коп-коронги мехмонхонага кирдим. Хона ўртасида тўхтадим ва қаерга беркинишни ўйлаб, атрофга алангладим.

Мен эндигина энг узок бурчакка яширинишни мўлжаллаган онда тўсатдан мехмонхонада чирок ёнди. Кўлим дархол тўппонча солинган чўнтагим томон узатилди, аммо ярим йўлда тўхтаб қолди. Ётоқхона эшиги олдида баланд бўйли, юзларини ажин босган ок сочли эркак турар, унинг кўлидаги тўппончанинг мили тўғри менинг қорнимга мўлжалланганди. Турган гапки, аввалига факат тўппончани кўрдим, кейинрок унинг кўйлагига қадалган шериф юлдузчасини пайқадим. “Боплаб кўлга тушдим-ку!” – деб ўйладим нима қилишимни билмай қайиб турарканман.

Бақувватгина қария мени диққат билан кўздан кечирди, кейин ортиқча ҳавф йўқлигига ишонч ҳосил қилди, шекилли, шошилмай мен томон юра бошлади. Мен хонадан қочиб чиқиб, бу лаънати шаҳарчадан жуфтакни ростлаб қолишни истардим-у, аммо турган жойимдан қимирлай олмасдим, чунки у мени дархол отиб ташлашини яхши билардим. Эркакнинг ортида эса менинг ёрдамимда эридан қутулмокчи бўлаётган ёш аёл турарди.

– Жуда вақтида қелдингиз, – маъқуллаб деди эркак. – Бу мактовга арзигулик фазилат, йигитча. Пухта одамлар ҳозир жудаям кам қолган.

– Бу билан нима демокчисиз? – хайратланиб мингирладим мен. – Мен вақтида қелдимми?

– Сиз нима учун қелганингизни яхши биламан, – жилмайиб бош иргади у. – Сиз мени ўлдиргани қелгансиз, шундайми? Тўғрироғи, мени ўлдириш учун қелганингизга ишонасиз.

– Менга қаранг, – хирилладим мен томогимга туриб қолган “тош”ни ютиб юборишга уриниб. Мен гоҳ кўйлагига шериф юлдузи қадалган қарияга, гоҳ жонига теккан эрини ўлдиртириш учун йигирма беш минг доллар тўламокчи бўлган аёлга қарардим. – Бу ерда нималар бўляпти ўзи, тушунтирсангиз-чи бундок?

У менга яқинлашди ва елкаси оша аёлга буйрук берди:

– Ундан пулларни ол.

Аёл мен билан шерифнинг ўртасига туриб колмасликка уринганча юзимдан кўзини узмай аста якинлашди ва костюмнинг ички чўнтагидан хамёнимни чикарди. Тўгри, у мен уйга кириш олдидан камаримга кистириб олган тўппонча хакида хам унутмади.

– Тўхтанг, – эътироз билдирдим мен. – У ердаги пуллар беш мингдан кўпрок. Ўзимнинг пулларим хам бор.

– Сизники эди, – илжайди шериф. – Энди уники бўлди.

– Хаммаси жойида, – деди аёл пулларни тезгина санаб чикиб. – Менинг беш минг долларим ва яна кўшимчасига уч минг...

– Менга каранглар! – жахл билан хитоб килдим мен. – Бу ерда нималар бўляпти ўзи?!

У яна кулганида, унинг кулгиси хикилдогимга келганини сездим. Доим огзи кулогига етиб юрадиган нусхаларни ўлардек ёмон кўраман!

– Сен халиям ҳеч нарсани тушунмадингми? – очикчасига мазах килди шериф.

– Тушунмадим.

– Бу Кларанинг севимли найранги, – тушунтира бошлади у худди ёш бола ёки тентак билан гаплашаётгандек сабр-токат билан. – Тўгри, бу ишдан кўп даромад килмайди, аммо унинг учун пуллар асосийси эмас – эркинлик ва мустакилликнинг хис этиш кўпрок ёқади. Бугунги кунда аёллар қандай эканлигини ўзинг биласан. Улар эркинликни ва эрига тобе бўлмаслик учун ўз пулига эга бўлишни иштади.

– Айтмоқчисиз-ки... – бутунлай саросимага тушиб колдим мен. – Бу гап-сўзларнинг бари...

– Мутлако тўгри, – вазминлик билан бош иргади шериф. – Кларада доимо бир нечта ўта кизикарли воқеалар тахт туради. Буниси энг ишонарлиси, тўгри эмасми?

Клара пулларни меҳр билан силади ва хуш табассум билан эрига каради.

– Омадли окшом бўлди, Карл. Шунча пули бор лапашангни хали қўлга туширолмагандик. Пули айни менга керагича экан ўзиям!

– Юлдузни нега такиб олдингиз? – газабим кайнаб, ўшқирдим мен. – Нима, бу сизга ҳуқуқ берадими?

– Мен шу графликнинг шерифиман, – хохолаб кулди Карл менинг хайратимдан завкланиб. – Нима, у сизга бу ҳақда айтмаганмиди?

– Йўк, афтидан, у менга кўп нарсани айтмаган, шекилли. Агар сиз шериф бўлсангиз...

– Тўгри, мен конунни химоя қилишим керак. Аммо мен хотинимни хам жуда севаман, – шериф креслога ўтирди ва яна тўппончасини менинг корнимга ўқталди. – У менга турмушга чикканида, севгидан асар хам йўқлигини, хамма гап менинг пулларимда эканини тушунганман, албатта. Мен унга қўнгли тилаган нарсани бажо келтиришга ваъда берганман ва баҳоликудрат сўзимнинг устидан чикяпман.

– Сени жуда севаман, Карл, – эркаланиб сўз котди Клара, – буни биласан-а?

– Албатта, мени севасан-да, – кулиб юборди шериф. – Ахир мен жажжи ўйинларингни ўйнашинг учун рухсат беряпман-ку!

– Кейинги ҳафтада Флоридага бораман, – мамнун охангда хабар килди аёл, у энди менга аввалгидек ёкимтой кўринмай колганди. – Пулларни нимага сарфлашни хали ўйлаганимча йўк. Балки от ва итларга тикарман.

– Кейин-чи? – титрок кирган овозда кизиксиндим мен.

– Агар сен ақлли йигит бўлсанг, бу шаҳардан туёгингни шикиллатиб коласан, – елка кисди талончи шериф. – Бошка чоранг йўк.

– Афсуски, сиз ҳаксиз, – алам билан унинг гапини тасдиқладим мен.

Менга тавозе билан эшик томонни кўрсатишди, аммо нима учундир бу ердан чикиб кетолмасдим. Машинам томон чопиш ва тирик хамда озод эканлигимдан кувониш ўрнига мехмонхонанинг ўртасида каккайиб турар ва гоҳ шерифга, гоҳ унинг устомон хотинига мўлтирардим.

Кўзлари чакнаб турган Клара пулларни ўзининг каттакон сумкасига жойлай бошлади.

– Шошилма, азизам, – уни тўхтатди шериф. – Менимча, беш минг менга тегишли эканлигини унутдинг, шекилли.

– Карл... – хикиллади хотини.

– Менинг беш минг долларимни кайтар, – буюрди шериф катъий овозда.

Клара истар-истамас эрига якинлашди ва беш тахлам пулни унинг чўнтагига тикди. Кейин стол устига 32-калибрли тўппончани ташлади ва креслонинг тирсак кўйгичига ўтирди. Бир кўли билан эрининг елкасидан кучганча, иккинчиси билан сочларини эркалатиб тўзгита бошлади. Бахтиёр эр-хотинлар жилмайганча менга тикилишарди.

– Кетадиган вақтинг бўлди, – эслатди шериф.

Калламда турли хаёллар гужгон урарди. Мен бошка чорам йўқлигини яхши билардим. У мени отиб ташлаши ва сувдан курук чикиб кетиши мумкин. У мени панжара ортига ўтказиши хам мумкин. Ахир унинг уйига чўнтагимда тўппонча билан бостириб кирганимни унутмаслик керак. Кларанинг айтганларини кулок кокмай кайтаради. Факат ўтакетган ахмоккина шунчалик алданиб қолиши мумкин.

– Бўпти, – дедим мен. – Мен кетдим.

Мен эшик томон йўналдим, аммо остона олдига келганда тўхтадим. Шерифнинг кўлида тўппонча бўлмаганида эди, уларни энг намунали эр-хотин дейиш мумкин эди.

– Шериф, – дедим мен, – умид киламанки, хотинингиз хамма икир-чикирларни айтиб ўтирмайди. Айникса, мени котилликка кўндириш учун нималарга рози бўлганини... – Шерифнинг башараси бир зумда ўзгарганини кўриб, то аёл гапимни бўлмасидан олдин тугатиб олишга шошилдим. – Биласизми, пул учун одам ўлдиришга тайёр кимсалар бор, аммо кўпчиликка факатгина пулнинг ўзи камлик килади. Хуллас, бундайлар учун ишк-мухаббат деган нарса хам керак бўлади. Мен ахволингизни жуда яхши тушунапман. Сизнинг ўрнингизда бўлганимда ўзим хам худди шундай иш тутган бўлардим. Бунаканги эхтиросли аёл учун эса жинойтдан хам кайтмаган бўлардим!

Охирги марта бундан ўн беш йил мукаддам, енгил атлетика бўйича мактаб жамоаси шарафини химоя килаётганимда шунчалар каттик югургандим. Мен машинамга ўтириб, ўт олдирдим. Машина ўрнидан кўзгалганида, орка тарафда ўк овози янгради...

Хуршид Тожибоев таржимаси